

Декабрь 2007 йил

2-сон

## Академия тингловчилари хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмлари билан танишдилар

12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият Қурилиши Академияси (ДЖҚА) тингловчилари БМТРДнинг Ўзбекистондаги Ваколат-хонасида хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар билан танишдилар.

“Хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар” мавзусидаги семинар давлат ходимларининг хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар, жумладан, Хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW конвенцияси) ҳақида билим оширишга қаратилган.

CEDAW конвенцияси 1979 йилда БМТнинг Бош Ассам-

блеяси томонидан қабул қилинган. Ўзбекистон ушбу конвенцияни 1995 йилда ратификация қилди ва CEDAW кўмитасига конвенциянинг мамлакатдаги ижроси бўйича икки марта ҳисобот тақдим этди. Навбатдаги маъруза 2008 йилнинг август ойида CEDAW кўмитасига тақдим қилиниши кутилмоқда.

CEDAW кўмитаси Ўзбекистонга барча даражаларда давлат ходимларини профессионал тайёрлаш жараёнида конвенция ва кўмита тавсиялари матнини кўшишни маслаҳат берди.

Академия давлат идораларига, жумладан, ҳокимиятлар, вазирлик ва идоралар, давлат хўжалик ташкилотлари ва бошқа давлат институтларига кадрлар тайёрлаб берадиган таълим муассасидир. ДЖҚА тингловчилари орасида давлат

органида ишловчи ёки бу муассасаларда ишламоқчи бўлган ёш тадбиркорлар бор.

Бўлиб ўтган тадбирда 25 нафар Академия тингловчиси иштирок этди. Улар тадбир мобайнида гендер тенглик, аёлларга нисбатан эскича қараш ва камситишлар ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар билан танишди.

Мазкур семинар БМТРДнинг “Ўзбекистон аёлларининг имкониятларини кенгайтириш учун институционал ва ҳуқуқий салоҳиятни ривожлантириш” ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг таълим ва тадқиқот салоҳиятини ташкил этган ҳолда давлат бошқаруви секторини такомиллаштириш” лойиҳалари томонидан ташкил этилди.

### Бу сонда:

Менежмент	2
Ногиронлар	3
Таълим, АКТ	4



## ОБМ тингловчилари Жаҳон Банки фаолияти билан танишдилар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият Қурилиши Академияси қошидаги Олий Бизнес Мактаби (ОБМ) тингловчилари Жаҳон Банки Гуруҳининг дунё бўйлаб фаолияти билан танишдилар.

Лу Брефора, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги вакили, Жаҳон Банки Гуруҳи билан ва унинг дунёнинг турли бурчакларидаги фаолиятини тақдим қилди. Шу билан бирга, у ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолиятида ҳам тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Жаҳон Банкига 1992 йили аъзо бўлиб кирди ва бугунгача 14 кредит операцияси тасдиқланган. Улардан еттита хамон амалга оширилмоқда. Умуман банк томонидан мамлакатга \$588.5 млн. ажратган, улардан иккидан уч қисми ўзлаштирилган.

Жаҳон Банки мамлакатнинг бирламчи соғлиқни сақлаш идораларининг ҳолатини яхшилашга ёрдам берди. Банк Ўзбекистоннинг Бухоро ва Самарқанд шаҳри, ҳамда қишлоқ аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб бериш ва Тошкент шаҳрида ижтимоий чиқиндиларни йиғиш лойиҳаларини молиялаштирмоқда. Ташкилот Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни ва дренаж тизимини реконструкция қилиш, ҳамда бошқа лойиҳаларни қўллаб-қувватламоқда.

Зохид Аскарлов, БМТРДнинг ОБМдаги лойиҳаси менеждери, шундай деди: “Ушбу семинар интерактив ва тингловчилар учун фойдали бўлди. Ўйламанки, бугун олинган маълумотлар тингловчилар учун Жаҳон Банкининг лойиҳаларида иштирок этиш ва кредит олиш имкониятини яратади”.

Этот семинар был интерактивным и полезным для студентов. Я думаю информации, которые они получили сегодня, поможет им в будущем принять участие в ряде проектов Всемирного Банка или получить кредиты”.

Мазкур тадбир БМТРДнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият Қурилиши Академияси қошидаги Олий Бизнес Мактабининг тренинг ва изланиш имкониятларини ошириш орқали жамият секторида бошқариш хусусиятларини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда самарали ижтимоий сиёсатни жорий этиш ва ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун Олий Бизнес Мактабининг жамият секторини бошқариш соҳасидаги билимларни оширишга қаратилган.

## Бизнес мактаби битирувчилари диплом ва ёрликлар билан тақдирландилар

60 дан яқин Олий бизнес мактаби битирувчиларига диплом ва ёрликларнинг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, битирувчилар хорижий институтларининг ҳам ёрликларини қўлга киритдилар.

Олий бизнес мактаби 2001 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Қурилиш Академиясининг қошида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан ташкил этилган эди.

Олий бизнес мактаби менежментнинг замонавий услубларини эгаллаган, иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва янада чуқурлаштириш бўйича Республикада ўтказилаётган сиёсатни амалга оширишга доир ишларни ташкил этишга қодир бўлган

юкори малакали бошқарув кадрларини тайёрлашда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб, МВА дастури бўйича мутахассис тайёрлайдиган мамлакатдаги ягона ўқув муассасаси ҳисобланади.

Тақдирлаш маросимида Алишер Дониёров, Президент Девонидаги катта инспектор, Сяхрил Сабаруддин, Индонезиянинг Ўзбекистон-даги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси, Ирван Идинг ва Амир Хамзах, Индонезия элчихонасининг вакиллари, Маня Хусснер, ДААД нинг Ўзбекистондаги Ахборот Марказининг раҳбари, шунингдек, Олий бизнес мактаби профессора ва ўқитувчилар иштирок этдилар. Тадбирни Бизнес мактаб директори Маннон Алиев очиб берди.

Олий бизнес мактаби битирув-

чиларига ушбу ўқув юртининг дипломлари топширилди. Шу билан бирга, мактабнинг 9 нафар талабаси Маастрихт Менежмент олий ўқув юрти-нинг (Голландия) дипломлари билан, 32 нафар талабаси Белгияга июн – июл ва сентябр – октябр ойларида бўлган ўқув сафари нагжасида Антверпен Университетининг ёрликлари билан тақдирландилар.

Сяхрил Сабаруддин 2007 йил июл ойида бўлиб ўтган тренингда қатнашган 9 нафар талабага Индонезия Республикасининг Давлат Бошқаруви Миллий Институтининг ёрликларини топширди. Шу билан бирга, 15 нафар талаба Маня Хусснердан Немис Менежмент Академиясининг ёрликларини қабул қилиб олдилар.



Мазкур тадбир БМТРДнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият Қурилиши Академияси қошидаги Олий Бизнес Мактабининг тренинг ва изланиш имкониятларини ошириш орқали жамият секторида бошқариш хусусиятларини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда самарали ижтимоий сиёсатни жорий этиш ва ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун Олий Бизнес Мактабининг жамият секторини бошқариш соҳасидаги билимларни оширишга қаратилган.

### Ўзбекистон Халқаро Ногиронлар Кунини кенг нишонлади

БМТ агентликлари ва маҳаллий ташкилотлар Ўзбекистонда Халқаро Ногиронлар Кунини биргаликда нишонладилар. Бу йилги Халқаро Ногиронлар Куни ногирон шахсларга қулай иш ўринларини яратишга қаратилган. Шунингдек, ушбу кун эркинлик, тенглик, хавфсизлик ва инсон кадр-қиммати тамойиллари асосида ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини эслатиб ўтади.

Ногирон шахслар ишчи, тадбиркор ва иш берувчи сифатида ривожланишга ҳисса қўшишлари мумкин. Лекин улар ўз имкониятларини амалга оширишда кўплаб тўсиқларга дуч келмоқдалар. Хаётларининг дастлабки йилларидаёқ улар касб эгаллашда ва таълим олишда кўп қийинчиликлар билан тўқнаш келадилар. Кейинчалик қўрқув ва ишончсизлик уларни меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилади.

Халқаро Ногиронлар Куни БМТнинг ҳамжиҳатликдаги сай-ҳаракатлари натижасида ало-ҳида кун сифатида нишонланмоқда. Ушбу кун 1992 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ногиронлар учун Жаҳон Ҳаракат Дастурининг қабул қилинишини нишонлаш мақсадида таъсис этилди.

БМТ Ривожланиш Дастури ва ЮНИСЕФ ташкилотларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари Халқаро Ногиронлар Кунини нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-Қизлар Қўмитаси, Ўзбекистон Махсус Олимпиада (Special Olympics), Ижтимоий Адаптация Марказларига ёрдам берди.

Бир hafta давомида ўтказилган тадбирлар давомида ташкилотчилар ва маҳаллий мактаблар вакиллари ногиронларнинг интернат-мактабларига ташриф буюришди. Ташриф давомида оддий ва ногиронлар учун махсус мактабларининг ўқувчилари ва Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси атлетлари ўз қарашлари билан ўртоқлашдилар ва қобилиятларини намоиш этдилар. Зарафшон концерт залида бўлиб ўтган гала концерт бир hafta давомида бўлиб ўтган тадбирларга яқун ясади. Ушбу концертда 400 га яқин болалар иштирок этдилар.

БМТ Ривожланиш Дастурининг гендер масалалари бўйича мутахассиси Комила Раҳимова шундай деди: “Ногиронларнинг фан, санъат, иқтисод ва адабиёт соҳаларига кўша оладиган хиссаларига нисбатан эътиборсизлик ва аҳамият бермаслик нафақат биз учун ёқотиш, балки инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишидир. Ҳукумат, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти вакиллари ва барча фуқаролар ҳар куни ногиронлар тенг ҳуқуқга эга жамият яратишга ўз хиссаларини ҳар куни қўшишлари лозим”.

Хафта давомида ташкил этилган тадбирларни БМТ Ривожланиш Дастури ўзининг “Спорт орқали ногирон шахсларнинг ҳуқуқларини ошириш” лойиҳаси доирасида қўллаб қувватлади. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Махсус Олимпиада ҳаракатини қўллаб-қувватлаш орқали ақли заиф ногиронларнинг ҳуқуқлари ва саломатликларини химоя қилишга қаратилган.



## Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университети ёш ўқитувчиларининг лойиҳалари тақдимоти

2007 йил 27 декабр куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида (ЖИДУ) ўқув дастурлари ва янги таълим усулларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Лойиҳалар 2007 йилнинг май ойида Тошкент Халқаро Вестминистр университетида ўтказилган янги таълим усуллари бўйича бир қатор семинарларда фаол қатнашган ЖИДУ ёш ўқитувчилари томонидан тайёрланган.

ЖИДУнинг турли факультетлари вакиллари бўлган иштирокчилар индивидуал тарзда ҳамда кичик гуруҳларда лойиҳалар ишлаб чиқдилар. Тайёргарлик жараёнида улар методик қўлланмалар, электрон материаллар ҳамда Интернет манбаларидан фойдаландилар.

Ушбу тақдимот Бирлашган миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастурининг “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш учун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети-



тининг салоҳиятини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистон ташқи сиёсатини ривожлантириш ва амалга ошириш мақсадида ЖИДУ салоҳиятини кучайтириш ҳисобланса, тақдим

этилаётган курс лойиҳанинг асосий вазифаси—ўқув жараёнининг халқаро таълим меъёрларининг замонавий шартларига биноан ривожлантириш ҳамда янги ўқитиш методларини тадбиқ қилишга қаратилган.

## БМТРД ICTP лойиҳаси АТ-волонтерлари махсус сертификатлар билан тақдирландилар

Жаҳон ҳамжамияти тақвимида 5 декабр Халқаро волонтерлар куни сифатида белгиланган. БМТ Бош Ассамблеяси 1985 йилда ҳукуматларга ҳар йили 5 декабрни Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун кўнгилчилар халқаро куни сифатида нишонлашни таклиф қилган. Волонтерлар (кўнгилчилар) – бу, ўзининг бўш вақтини жамият фаровонлиги учун сарфлайдиган одамлар.

Шу куни БМТ Ривожланиш Дастурининг “Ўзбекистонни ривожлантириш учун Ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ” (ICTP) лойиҳасининг йигирма нафар малакали АТ-волонтерлари Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришга қўшган хиссалари учун махсус сертификатлар ва совғалар олдилар. 2007 йил мобайнида олиб борилган волонтерлик ишининг расмий эътирофи бўлиб хизмат килувчи сертификатлар Халқаро волонтерлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда топширилди.

ICTP лойиҳаси менежери Санжар Саидхўжаевнинг таъкидлашича: “ICTP лойиҳаси волонтерлари маҳаллий ҳамжамиятда волонтерлик фаолияти ғоясини илғари суришда муҳим рол ўйнамоқда, турли ташкилотларнинг АТ фаолиятини қўллаб-қувватлашда кўмаклашмоқда. Чунончи, 2007 йилда АТ-волонтерлар АКТ бўйича 5-Юбилей Саммитни, Кенг миқёсли алоқалар бўйича халқаро семинарни ташкил етиш ва ўтказишда ёрдам-лашдилар, “Ахборот асрининг қизи” лойиҳасини, “Тараққиёт Сари” телекўрсатувини ва бошқа тадбирларни ўтказишда фаол қатнашдилар. Хусусан, Мансур Нугманов, Хулқар Разм, Хамидулла Иноятов, Марат Маманов, Камола Файзийева каби ва бошқа волонтерларнинг ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир.”

Волонтерлик ҳаракатига қўшган бебаҳо хиссаси учун ҳар бир кўнгилли ICTP лойиҳасидан ёдгорлик совғаси олди.

Шу куни АТ-волонтерлар учун турли танловлар ташкил этилди. Бунда йигит-қизлар гуруҳларда ва якка тартибда мусобақаларда қатнашиб, ахборот технологиялари соҳасидаги билимларидан ташқари, ўз топқирликларини ҳам намойиш қилдилар. Танловлар иштирокчиларининг ҳеч бири совғасиз қолмади. Тадбир давомида АТ-волонтерлар ўзларининг волонтер сифатидаги шахсий ютуқлари, интилишларини ҳамкасблари билан ўргоқлашдилар. Фикрлар хилма-хиллигига қарамай, АТ-волонтерлар ўқишга, ўз билимларидан фойдаланишга интилиш ҳамда бу билимларни имконияти, ресурслари ва ривожланиш мақсадида ахборот технологияларидан фойдаланиш учун керак билимлари чекланган одамларга бериш борасида яқдил фикр билдирдилар.

ICTP лойиҳаси ўзининг АТ-волонтерлар хизмати орқали волонтерлик ҳаракати руҳини сақлаб турибди ҳамда ёшларни нотижорат, жамоат ташкилотларига, давлат муассаса-

лари ва таълим даргоҳларига АКТ соҳасидаги билим ва кўникмаларни яхшилаш борасида беғараз ёрдам кўрсатишга ҳамда АКТдан самарали фойдаланишнинг барча афзалликларини янада тўлиқроқ ишга солишга рағбатлантирмоқда.

АТ-волонтерлар хизматининг ҳатто ўз шиори ҳам бўлиб, бу шиор улар фаолиятининг мақсадини ифодалайди – “Леарн ИТ, Усе ИТ, Шаре ИТ”. Бу еса, сўзма-сўз таржима қилганда “Ўрган, Фойдалан, ва бошқалар билан баҳам кўр” маъносини билдиради.

ICTP лойиҳаси АТ-волонтерлар хизмати ўз фаолиятини 2005 йил май ойида бошлаган ва ҳозирги кунда унинг сафларида қарийб 30 волонтер ишлаяпти. Улар компьютер технологиялари асосларини, Интернет-сайтлар ва маълумотлар базалари ишлаб чиқиш, компьютер ларга техник хизмат кўрсатиш каби ва бошқа билимларни ўргатишда ёрдам бермоқдалар.